*Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 7 январь 1973 йил, якшанба ◆ № 6 (15.480). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Тошкентдаги 159-қурилиш трестига қарашли 10-қурилиш бошқармасининг илғор пайвандчиси Омонулла Абдуллаев смена топшириқларини 160-180 процент бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Суратда: О. Абдуллаев.

А. Тўраев фотоси.

# СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

## Меҳнат унумдорлигини тинмай оширамиз

**В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

1973 йил комбинатимиз корхоналари ва цехлари учун техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш майдонларида рангли металлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш йили бўлади. Комбинат коллективи ўзининг кучғайратини меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги резервларини топишга ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфларни камайтириб, қўшимча маҳсулот чиқаришга қаратиб, 1973 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни зиммасига олади:

— йиллик планни 30 декабргача бажарамиз ва пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз;

— технологияни янада такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини ҳамда фаннинг энг янги муваффақиятларини жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 0,5 процент оширамиз;

— материал ва пул ресурсларини тежашга, унумсиз харажатларни қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 150 минг сўм миқдорида пасайтиришга эришамиз;

—маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида концентратлар таркибидаги қўрғошин, рухни ва мисни пландагига нисбатан оширамиз, рудадан металларни топширикда белгиланганидан зиёдроқ ажратиб олиб, концентратга айлантиришни ва қора мисдан ажратиб олинадиган мисни кўпайтиришни таъминлаймиз;

—белгилаб қўйилган пландан ташқари бир неча юз тонна тоза мис, қўрғошин ва рухни концентрат қилиб берамиз, рух ва металл кадмий берамиз;

— чиқитга чиқаётган олтингугуртли газлардан фойдаланишни яхшилаб, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришни булутургига нисбатан 17,9 процент кўпайтирамиз;

— шлам-купорос цехининг лойиҳада кўрсатилган қуватини ўзлаштирамиз, мисни узлуксиз эритиб катанка қилиш технологиясини такомиллаштиришни ниҳоясига етказамиз;

— хом ашёдан комплекс фойдаланиш мақсадида металл индий, селен тузлари, теллур ва рений олишнинг саноат технологиясини такомиллаштиришга киришамиз;

— қўрғошин-рух саралаш фабрикасида Олтинтопган рудасини қайта ишлаш учун қабул қилиш қурилмасини ўзлаштирамиз, мис саралаш фабрикасидаги учинчи секциянинг тегирмонини, шунингдек мана шу фабрикадаги биринчи ва иккинчи секцияларнинг флотация бўлимини реконструкция қиламиз;

— Саричек руда конининг биринчи навбатини ишга туширамиз;

— технология режимларини оптималлаштириш ва иккиламчи энергетика ресурсларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш йўли билан 10 миллион киловатт-соат электр энергияни, тўрт минг тонна шартли ёқилғини, 4 минг гигакалорий иссиқликни тежаймиз;

— «Зангори тепа» оромгоҳ зонасининг биринчи навбатини йилнинг биринчи ярмида қуриб битказамиз, худди шу муддатнинг ўзида Тошкент денгизидаги оромгоҳ зонани кенгайтирамиз ва ободонлаштирамиз, «Металлург» паркини, комбинат профилакторийси ва цехларини ободонлаштиришни давом эттирамиз;

— ҳаммаси бўлиб 1,45 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 915 та рационализаторлик таклифини жорий қиламиз;

— меҳнаткашларнинг умумий ва махсус билимларини оширишни давом эттирамиз, ишчи ёшлар мактабларида 420 кишини, техникумларда 512 кишини, институтларда 486 кишини ўқитиб тайёрлаймиз, 1.100 нафар янги ишчилар тайёрлаймиз, 880 нафар инженер-техник ходимнинг ва 4250 нафар ишчининг малакасини оширамиз;

— Олмалиқ шаҳри кўчаларини ва саноат майдончаларини ободонлаштириш ишларини олиб борамиз, 50 минг туп дарахт ва бута кўчатлари ўтказамиз;

— оталиққа олинган совхознинг қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга ва ҳосилни йиғиб-териб олишга ёрдамлашамиз.

Биз, комбинат ишчилари ва инженер-техник ходимлари коллектив ўз олдига қўйган вазифалар ҳар биримиздан зўр ижодкорлик ва меҳнат талаб қилишини яхши биламиз. Бу мажбуриятларни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан мустаҳкам интизомга, уюшқоқликка, социалистик мусобақани тўғри ташкил этишга ва иқтисодий ислоҳот берган имкониятлардан тўла фойдаланишимизга боғлиқдир.

Комбинат меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, биз олган социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариб, КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз.

**Социалистик мажбуриятлар В. И. Ленин номидаги Ленин орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама этилган ва қабул қилинган.**

## ПОЙАФЗАЛЧИЛАР РЕЖАСИ

**ТОШКЕНТДАГИ 1- ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Фабрика коллективи КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган мусобақага қўшилди ва беш йилликнинг дастлабки икки йили планини муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари 147 минг жуфт пойафзал чиқарилди, меҳнат унумдорлиги эса планда кўзда тутилганидан 2,5 процент ошди. Пойафзалнинг 96 янги модели ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Фабрика ана шу муваффақиятлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг юбилей дипломи билан мукофотланди.

Юксак мукофот цехларда, участкаларда ва бригадаларда меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Корхона коллективи 1973 йил учун ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

— Беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари — 28 декабрда бажарамиз;

— пландан ташқари 200 минг сўмлик 50 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарамиз, пландан ташқари чиқариладиган бутун маҳсулотни тежаб қолинган материаллар ҳисобидан тайёрлаймиз;

— сифати яхшиланган ва замонавий мода талабларига мос келадиган пойафзалнинг 25 та янги моделини ишлаб чиқаришга жорий қиламиз;

— маҳсулотнинг янги турларини: эркакларнинг кўн тагчармли хром этикларини, мактаб ўқувчилари киядиган иссиқ қўнжли ва қўнжсиз хром ботинкаларни, вельветдан тайёрланган ва уйда кийиладиган туфлилар ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз; 700 минг сўмлик ана шундай молларни савдо тармоқларига етказиб берамиз;

— маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириб, биринчи сорт пойафзал ишлаб чиқаришни 0,5 процент кўпайтирамиз;

— иш жойларида 2,2 миллион квадрат дециметр миқдорида қимматли турадиган хром молларни, 1,2 миллион квадрат дециметр қаттиқ молларни ва 30 минг сўмлик ёрдамчи материалларни тежаб қолиамиз;

—меҳнатни илмий ташкил этишни, янги техникани, технологияни ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 191,5 минг сўм маблағни тежаб қоламиз ва планда белгиланганидан ташқари меҳнат унумдорлигини 2,5 процент оширамиз;

— махсус курсларда, коммунистик меҳнат мактабларида ва илғор тажриба ўргатиш мактабларида 1050 кишининг малакасини оширамиз;

— фабриканинг барча цехларида меҳнат шароитини яхшилаш ва саноат эстетикасини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишни давом эттирамиз; аёллар пойафзали ишлаб чиқариладиган цехда кондиционер ва янги типдаги ёриткичлар ўрнатамиз; учта асосий ишлаб чиқариш цехидаги вентиляцияни реконструкция қиламиз;

— фабрика территориясида маиший хизмат кўрсатиш пунктини ташкил қиламиз; Арнасойдаги баликчилар ва овчилар учун дам олиш зонасини обод қиламиз;

— Мирзачўл районида оталиққа олинган 10-совхозга ёрдам кўрсатиш мақсадида қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш учун малакали ишчилар, махсус ускуналанган машина ва инструмент ажратамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятларни бажариш учун бутун куч, билим ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва республика ҳукуматини ишонтирамиз.

**Бу мажбуриятлар фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.**

## Лифтсозлар марраси

**СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ЛИФТСОЗЛИК ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Самарқанд лифтсозлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда адо этдилар. Маҳсулотни реализация қилиш йиллик программаси муддатидан аввал — 18 декабрда бажарилди. Юбилей йили завод коллективи мамлакатнинг йирик саноат марказларига 2 мингта пассажир лифти етказиб берди. Пландан ташқари 733 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бутун маҳсулот биринчи категорияли сифат даражасида чиқарилди.

Ана шу муваффақиятлари учун заводга СССР эллик йиллиги номи берилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг дипломи билан мукофотланди.

Меҳнатимизга бундай юксак баҳо берилганлиги корхона коллективининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтирди. Самарқанд лифтсозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили — 1973 йил топширигини муҳокама қилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

— Беш йилликнинг уч йили планини маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича 5 декабргача, йиллик планни эса 28 декабрга бажарамиз. Йиллик пландан ташқари 125 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган беш минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз;

— ишлаб чиқариш қувватларини жадал ўзлаштиришга эришамиз ва шу йўл билан бир йил давомида ишлаб чиқариш ҳажмини 47 процент кўпайтиришни таъминлаймиз, маҳсулот чиқаришни кўпайтиришнинг 54 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришамиз;

— шахсий йиллик планларни муваффақиятли бажариш ва ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ҳар ишчининг бажарадиган ишини завод бўйича ўрта ҳисобда 22,1 процент кўпайтиришга эришамиз;

— маҳсулот сифатини оширишга доир ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини амалга оширамиз. Учинчи кварталда 350 килограмм юк кўтара оладиган лифтни давлат сифат белгиси аттестациясига тақдим этамиз;

— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида техника билан қайта қуролланиш тадбирларини амалга оширамиз, шу жумладан учта конвейер линияни ва тўртта комплекс-механизациялашган участкани жорий этамиз;

— иқтисодий тежашни янада кучайтириш ҳисобига бир йил ичида 400 тонна қора металлар прокатини ва 160 минг киловатт-соат электр энергияни тежаб қоламиз;

— меҳнаткашларнинг билим даражасини ва касб-кор малакасини ошириш учун якка тартибда ва бригада усулида таълим бериш йўли билан 107 янги ишчини тайёрлаймиз, 170 ишчининг малакасини оширамиз, шундан 50 кишига ёндош касбларни ўргатамиз. Коммунистик меҳнат мактабларида 60 кишига илғор иш методларини ўргатамиз;

— 305 ўринли ошхонани, 3.900 квадрат метр саҳни маиший биноларни, завод поликлиникасини ва 40 квартирали уй-жой биносини қуриб, фойдаланиш учун топширамиз;

— «Оқ дарё» совхозига оталиқ ёрдами бериш тадбирлари комплексининг бажарилишини таъминлаймиз, жумладан қора молларга озуқа беришни механизациялаштирамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматини ишонтириб айтамизки, завод коллективи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи учинчи йилида ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиш ва КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун ўзининг бутун кучи, тажрибаси ва маҳоратини ишга солади.

**Мажбуриятлар Самарқанд лифтсозлик заводи цехлари ва бўлимларидаги меҳнаткашларнинг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

## КИМЁГАРЛАР АҲДИ

**ФАРҒОНАДАГИ ВЛКСМ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, аммиак, дефолиантлар ва бошқа химиявий маҳсулот ишлаб чиқаришни муваффақиятли кўпайтирмоқдалар. Завод коллективи беш йиллик топшириқларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилиб, 1973 йил учун ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

— маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини 29 декабрда бажарамиз;

— маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1972 йилдагига нисбатан 6,6 процент ва маҳсулотни реализация қилишни 6,3 процент кўпайтирамиз;

— ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш, прогрессив технологияни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан камида 0,2 процент оширамиз. Ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаймиз;

— пландан ташқари камида 100 минг сўм фойда оламиз. Ишнинг энг мақбул режимларини жорий этиш ҳисобига 110 минг сўмлик хом ашё ва материални, 9 миллион киловатт-соат электр энергияни, 8500 гигакалорий бўғни тежаб қоламиз;

— янги техника бўйича қуйидаги тадбирларни жорий этамиз: кучсиз азот кислотаси цехидаги иккинчи агрегатни платина бўлмаган катализатор билан ишлашга ўтказамиз; кучсиз азотли кислота цехида бир турбокомпрессорни реконструкция қиламиз, вагонларга селитра ортиш учун қопларни тахлайдиган машиналарни жорий этамиз; иккита газ компрессорини муддатидан бир-икки ой илгари ишга туширамиз;

— меҳнатни илмий ташкил этиш планларини бажаришдан камида 40 минг сўм маблағни, рационализаторлик таклифларини жорий этишдан эса яна 150 минг сўм маблағни тежаб қоламиз;

— коллективни социал ривожлантириш плани асосида янгидан 110 ишчи тайёрлаймиз, корхонадаги 600 ходимнинг малакасини оширамиз, камида 1600 кишини меҳнатсодий таълимнинг барча турларига жалб этамиз. «Каркидон» дам олиш зонасида 1 майгача янги объектларни ишга туширамиз, завод территориясида икки минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказамиз, пионер лагерида клуб қуришни тугаллаймиз;

— меҳнаткашларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун 4 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширамиз; завод ходимларидан 600 кишига санаторий, дам олиш уйлари ва завод профилакторийсида даволаниш учун путевкалар берамиз;

— оталиқдаги колхознинг чорвачилик фермасида молларга озуқа беришни механизациялаштирамиз, иккита насос ўрнатамиз, ерларни ишлашда ва ҳосилни йиғиб-териб олишда ёрдам берамиз, шу билан бирга завод меҳнатчиларининг кучи билан камида 150 тонна пахта терамиз.

Фарғонадаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли азотли ўғитлар заводининг коллективи Навоий химия комбинатининг коллективини социалистик мусобақага чақиради.

**Ушбу социалистик мажбуриятлар завод ходимларининг активи йиғилишида муҳокама қилинди.**

## ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАМИЗ

**«ЎЗБЕКШАХТОСТРОЙ» ТРЕСТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзбекшахтострой» трестининг коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда бажармоқда. 1972 йил программаси муддатидан аввал — 16 декабрда бажарилди.

«Ўзбекшахтострой» трестининг коллективи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили вазифаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан аввал бажарамиз ва пландан ташқари 600 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштирамиз. Ангрен шаҳрида фойдали саҳни 1.826 квадрат метр бўлган уйни пландан ташқари қуриб, фойдаланиш учун топширамиз;

— Олмалиқ рўзғор химияси заводи ва Жиззах химия заводида ги объектларни муддатидан аввал ишга туширамиз, беш йилликнинг зарбдор қурилиши — Ангрен резина комбинатидаги ва Ангрен саноат зонасида барпо этилаётган бошқа корхоналардаги ишларни илдам бажарамиз;

— меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш мақсадида 30 та бригадани хўжалик ҳисобига ўтказамиз, шу жумладан учта бригадани Зеленоград қурувчиси Н. Злобин методи асосида бригада пудратига ўтказамиз;

— меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, техникадан самарали фойдаланиш, материаллар ва конструкцияларни тежаб-тергаб ишлатиш йўли билан меҳнат унумдорлигини пландан белгиланганига қараганда 0,3 процент оширамиз ва қурилиш ишлари таннархини ҳам шунча миқдорда пасайтирамиз. 65 минг сўмлик қурилиш материалларини тежаб қоламиз. Рационализаторлик таклифларини жорий қилиш асосида 140 минг сўм миқдорида шартли йиллик тежам оламиз ва янги техникадан фойдаланиш ҳисобига яна 150 минг сўмни тежаймиз;

— 300 янги ишчига оммавий қурилиш касбларини ўргатамиз ва 920 кишининг малакасини оширамиз. Ишчиларнинг камида 20 процентини ва трест инженер-техник ходимларининг 90 процентини иқтисодий ўқишнинг ҳамма турларига жалб қиламиз;

— ана шу ҳамма тадбирлар асосида қурилиш сифатини оширишга эришамиз. Ҳамма объектларни камида «яхши» баҳо билан фойдаланиш учун топширамиз;

— социал ривожланиш планига мувофиқ коллективнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш тадбирларини амалга оширамиз.

**Мажбуриятлар «Ўзбекшахтострой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

## ХАЛҚҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

**СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ЖИЗЗАХ РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Жиззах район матлубот жамияти 1972 йилги товар обороти планини муддатидан илгари бажарди, пландан ташқари 1 миллион 150 минг сўмлик мол сотди. Савдо-сотиқ маданияти ошди, магазинларни харидорларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш усулига кўчириш топшириғи ортиғи билан бажарилди. Тайёрлаш конторасининг ходимлари йилни яхши натижалар билан тугалладилар.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига ўтказилган Е униттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги учун район матлубот жамиятининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Юбилей фахрий нишони билан мукофотланди. Кооператорлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлигига жавобан савдо хизматини кўрсатишни ривожлантириш соҳасида 1973 йил учун янги марраларни белгилаб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олдилар:

— товар обороти йиллик планини муддатидан олдин, 20 декабрда бажарамиз, пландан ташқари 655 минг сўмлик мол сотамиз. Биринчи кварталда район марказида 50 ўринли ошхона, ярим фабрикат таомлар ва кондитер маҳсулотлари магазини, Навоий номли колхозда саноат моллари магазинини очамиз. Чорва молларини, парранда ва қуёнларни боқиб семиртириш ҳисобига 20 тонна гўшт оламиз.

— кўкламги экиш ва пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш даврида дала шийпонларида сотувчисиз ишлайдиган юзта дўкон ўрнатамиз, 15 та кўчма автодўконнинг узлуксиз ишлашини ташкил қиламиз, узоқ яйловларда ва фермаларда сотувчисиз ишлайдиган қўшимча ўнта дўкон очамиз.

Йил давомида «Ветерок» типидаги олтита магазин очамиз, китоб сотиш йиллик планини муддатидан аввал бажарамиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилишнинг асосий турлари бўйича йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаймиз. Бутуниттифоқ фондига мева-сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотини етказиб бериш планини 1 ноябрда бажарамиз.

Жиззах район матлубот жамиятининг ходимлари 1973 йил учун ўз зиммаларига янги социалистик мажбуриятларни қабул қилар эканлар, Ўзбекистоннинг барча кооператорларини беш йиллиқнинг учинчи йили плани ва топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилишга даъват этадилар.

**Ушбу социалистик мажбуриятлар Жиззах район матлубот жамиятининг умумий йиғилишида қабул қилинди.**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ А. Ю. СНЕЧКУСГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Антанас Юозович **Снечкусга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Н. ПОДГОРНИЙ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1973 йил, 5 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Г. С. ПАРАМОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЗООТЕХНИК» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Республиканинг партия ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Григорий Степанович **Парамоновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган зоотехник» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.**

1973 йил 5 январь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Я. Н. СУШЕНЦОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Республика халқ маорифи системасида план-молия ишини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун республика аҳаминиятига молик шахсий пенсионер Яков Николаевич **Сушенцовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.**

1973 йил 5 январь.
Тошкент шаҳри.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика экономикасини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитети раисининг ўринбосари Александр Никанорович **Ступниковни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

# ДОВЮРАК

*Жангчи хотираси*

Ҳа, Усмон Холиқовни ҳамон унутганим йўқ. Эҳтимол у билан ёнма-ён бир ҳафтагина жанг қилган бирор кимса уни унутмаса керак. У баланд бўйли, бақувват, жуда чаққон ва эпчил йигит эди. У пайтда ҳали у ўттизга ҳам кирмаган эди. Ротамизда Усмон Холиқовга ўхшаганлар жуда кам эди. У жангда ёки машғулотларда ҳаммага ёрдам берарди. Лекин гап бунда эмас. У жуда ёқимли, ғамхўр ўртоқ эди. Шу боисдан бўлса керак, унинг атрофида ҳамсуҳбатлари кўп бўларди. Солдатлар ўз қувонч ва ташвишларини у билан баҳам кўришарди. У солдатларнинг кўнглини кўтарар, илиқ гаплари билан уларнинг кайфиятларини ўзгартириб юборарди. Ана шу меҳри дарё оддий деҳқон ўзбек йигити жангда шундай довюрак бўлиб кетардики, мен бунга қойил қолардим.

1942 йил май ойида Харьков йўналишида ҳужум пайтида мен командирлик қилган автоматчилар ротаси душманнинг кучли қаршилигига дуч келди ва унчалик катта бўлмаган тепаликда истеҳкомни эгаллашга мажбур бўлди. Менинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосарим старший лейтенант М. Кузнецов мудофаани ташкил этиб, тепаликда қолди, мен эса бошқа позицияларимизни текширишга қарор қилдим.

Устимизга артиллерия ўқи ёғдирилаётганда мен тепалик этагига етиб қолган эдим. Тепалик оғир зарбадан титрарди. Қулоқларимиз қоматга келиб, тупроқ-чанг ичида қолиб кетдик. Артиллерия ҳужуми тугаши билан немис пиёда аскарлари пайдо бўлишди. Улар автоматлардан ўқ узиб, тепаликка интилишарди. Душман тобора яқинлашмоқда. Автоматчиларимиз кўтарилишаётганига кўзим тушди. Улар сиёсий ўринбосар бошчилигида қарши ҳужумга ўтдилар. Мен ҳам оёққа турдим. «Ура» хитоби остида бошқалар ҳам қўл жангига ташланишди. Менинг ёнимда бир жангчи югуриб борарди. Бу—Усмон Холиқов эди. У каскасини пешонасига паст тушириб олиб, фашистлар устига югуриб кетмоқда. Автоматдан ўқ узиб ўзига йўл очарди.

Фашистлар қутуриб жанг қилишарди. Сал нарида старший лейтенант Кузнецовни кўрдим. Унга 3-4 немис автоматчиси яқин келиб қолган эди. Улар назаримда совет офицерини тириклайин қўлга олишмоқчи. Юрагим орқамга тортиб кетди. Дўстимдан ажралиб қолдим, деб хаёлимдан ўтказдим. Бирдан фашистларнинг бири қулади. Бошқаси эса автоматнинг қўндоғидан кучли зарб еб ер тишлади. Уларнинг жасади устида Усмон турарди. Саросимага тушган немислар орқага чекиндилар. Тепалик этагида юзлаб фашистларнинг жасади қолди.

Мен Холиқовни жуда қадрлар, уни авайлашга ҳаракат қилар эдим. Шунга қарамай энг оғир ишларга уни ўзим билан бирга олиб борардим, чунки у энг ишончли жангчи эди. 1942 йилнинг октябрь ойи охирларида шундай воқеа рўй берди. Дивизиямиз Донецк фронти составида Серафимовичи остоналарида жанглар олиб борарди. Бу пайтда Усмон Холиқов фақатгина 622-полкдагина эмас, бутун дивизияда моҳир снайпер ва разведкачи сифатида донг таратган эди. Ўша пайтнинг ўзида у юзга яқин фашистни ер тишлатганди. Кейинчалик у снайперлар командасига командир қилиб тайинланди. Агар у бўлмаганда мен Серофимовичи остоналарида ҳалок бўлиб кетардим.

Ротамиз унчалик чуқур бўлмаган жарлик ёнидаги тепалик ёнбағрида мудофаани эгаллади. Биздан икки юз метрча пастда очиқ майдон бўлиб, кейин пайҳон қилиб ташланган бутазорлар бошланарди. Рўпарамизда 800 метрча масофада душман дзоти бор эди. Душманнинг шу ўт очиш нуқтасини яксон қилмоқчи бўлдик. Полк командири фикримизни маъқуллади. Агар дзот олдиндан яксон қилинса, ҳужум енгиллашган бўларди. Қоронғу тушиши билан буталар остидан эмаклаб кетдик. Холиқов менинг ёнимда борарди. Атроф қоронғу, ҳеч нарса кўринмайди. Шундай зулматда минани қандай топиш мумкинлигига ҳали ҳам ақлим етмайди .Дзотга 100 метрча қолган эди. Шу масофани босиб ўтишга сигнал бермоқчи бўлиб турганимда, Холиқов мени тўхтатиб қолди. Акс ҳолда минага дуч келиб портлаб кетган бўлардим.

Энди Холиқов олдинга ўтди. У миналар орасидан йўл очиб борарди. Ниҳоят масофа яқинлашди. Дзотга гранаталар улоқтирилди. Портлаш сукунатни бузди. Холиқов эса биринчи бўлиб ўзини хандаққа ташлади, омон қолган фашистларнинг додини берди.

Биз ҳеч қандай талофат кўрмай қайтиб келдик. Операция натижасида дзот яксон қилинди, душманнинг бир офицер ва икки солдати ўлдирилди. Қурол-аслаҳалар ўлжа олинди. Шундан сўнг Холиқовни яна ҳам яхши кўриб қолдим.

1942 йилнинг 19 ноябрь кечаси сира ёдимдан чиқмайди. Шу тунда дивизиямизга гвардиячи номи берилганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Эрталаб эса 5-танк армияси составида ҳужумга ўтдик. Гвардиячиларнинг шижоати шунчалик зўр эдики, уларни на дзотлар, на танклар тўхтата оларди. Қоронғу тушгач, қалин қор ёға бошлади, бўрон турди. Чўлда фронт томон келаётган душман колоннасини кўриб қолдик. Разведкачилар бу колонна душман артиллерия дивизионига эканлигини аниқлашди. Камида 400 кишича бор. Менинг ротам ёнида эса старший сержант Поповнинг разведкачилар взводигина бор. Шунга қарамай колоннага ҳужум қилмоқчи бўлдик. Уч тўдага бўлиниб, маррани эгалладик. Душман яқин келиши биланоқ икки томондан ўт очдик. Фашистлар саросимага тушиб қолишди. Улар бетартиб ўқ узишарди. Шу пайт уларнинг орқасида гранаталар портлади, гвардиячиларнинг «Ура» садолари янгради. Колонна тор-мор қилинди.

Ана шу жангда Усмон Холиқов Кузнецов группасида эди.

Жангни у қандай бошлаганини кўрмадиму, лекин қандай тугаллаганини кўрдим. У гоҳ граната улоқтирар, машина панасидан замбарак панасига тез ўтиб автоматдан ажал уруғи сочарди. Мана, жанг тинди. Лекин орамизда Холиқов йўқ эди. Уни излаш учун одам юбормоқчи бўлиб турганимда, бир фашистни олдига солиб ҳайдаб келиб қолди. Бу немис офицери эди. Шу жангда 100 га яқин гитлерчиларни асир олдик. 16 та тўп, 100 га яқин от, ўнлаб автомашина ва қурол-аслаҳаларни ўлжа қилдик.

Холиқов бундай жангларда совуққонлик билан ҳаракат қилар, саросимага тушиб қолмас, шунинг учун отган ўқи ҳам бекор кетмасди. Лекин унинг ҳисоби сал бошқача эди. Дивизиянинг машҳур снайпери сифатида ер тишлатган душманларнигина ҳисобга оларди. Урушдан кейин билсам, унинг ҳисоби 133 тага борибди. Эсимда, бир гал Холиков душманнинг разведка группасига дуч келиб қолиб, 11 фашистни автомат ўқи билан қириб ташлаган. Лекин Холиқов буларни ўз ҳисобига киритмасди. Мен ўзбек фарзанди Усмон Холиқов жангда камида 300 фашистни ўлдирган деб ҳисоблайман. Уларнинг ҳар бири бизнинг юртимизга қурол билан бостириб келган эди. Босқинчиларни йўлига ғов солган жангчиларнинг жасорати муқаддас жасорат эди.

**А. ПАНИН,**

**Истеъфодаги старший лейтенант, 50-гвардиячи ўқчи дивизиянинг собиқ батальон командири.**

Суратда: Усмон Холиқов запасдаги генерал-лейтенант В. Г. Воскресенский билан суҳбатлашмоқда.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

# „ЯШИЛ СУТ...“

Донишмандлар сув — ҳаёт манбаидир, деб бежиз айтишмаган. Бир томчи сувни микроскоп остига қўйиб, кузатсангиз, бир шаҳар аҳолисидан кўпроқ майда жониворларни кўрасиз. Сув остида жимирлаб турадиган кўк ва яшил ўтлар кўпдан бери олимлар эътиборини тортиб келади.

Чумолидек тинимсиз ҳаракатланувчи сон-саноқсиз заррачалар табиатдаги мавжудотлар сингари хилма-хил бўлади.

Сиртдан қараганда бу ўтлар кераксиз, ташландиқ нарсаларга ўхшайди-ю, аммо унинг бағрида миллионлаб микроорганизмлар яшириниб ётади.

Ўрта Осиё шароитида сув ўтларининг 3 мингдан ортиқ тури учрайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология бўлими альгология лабораториясининг илмий ходимлари сув ўтларининг кимёвий таркиби, микробиологик табиати, физиологик хоссаларини текшириб, уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларига татбиқ этиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда дунё олимларининг эътиборини тортган хлорелла ҳам бир ҳужайрали яшил сув ўтлари туркумига киради. Табиатда унинг бир неча хиллари мавжуд бўлиб, Ўрта Осиёда ўнга яқин тури учрайди. Таркибидаги оқсил, шакар, ёғ ва турли витаминларнинг миқдори билан бир-биридан фарқланади. Айрим турлари каротин ва бошқа витаминларга бойлиги жиҳатидан лимон, апельсин каби цитрус ўсимликларидан қолишмайди.

Хлорелла ва бошқа майда сув ўтларининг таркиби озуқа модда ва витаминларга бой эканлиги аниқлангач, уни кенг кўламда етиштириш усуллари ишлаб чиқилди. Олимларимиз кўрсатмаси асосида ҳавзаларда, ёруғлик минерал моддалар ва нормал ҳаво шароитида апрель-октябрь ойлари давомида, ўн-ўн беш сантиметр қалинликдаги бир гектар сув сатҳидан 300-500 центнер қуруқ ҳолдаги қимматбаҳо озуқа модда олиш мумкинлиги аниқланди.

Кейинги вақтда саноатчилар билан ҳамкорликда хлореллани ўстириш ва уни чорвачилик, паррандачилик ва бошқа соҳаларга татбиқ этишда катта ютуқларга эришдик. Саноат миқёсида хлорелла ўстирувчи бир неча хил типовой қурилмалар яратилди. Улар республикамизнинг, шунингдек Туркманистон, РСФСР ва Украинанинг мол боқувчи хўжаликларида қўлланилмоқда.

Республикамиздаги мол семиртириш хўжаликлари ишчилари хлорелла айронини «яшил сут» деб аташлари бежиз эмас.

Лабораториямиз олимлари хлорелланинг қисқа муддатда кўп ҳосил берувчи, хилма-хил витаминларга бой янги навларини ва 30 дан ортиқ хлорелла — штаммларини ажратиб олдилар. Маълум иссиқликка эга бўлган саноат корхоналарининг ёқилғи чиқиндиларидан фойдаланиб, хлореллани йил бўйи ўстириш муаммоси ҳам ҳал этилди. Шу усулда олинган сунъий озуқанинг таннархи 25-30 процент арзонлашди.

Шу вақтгача чорвачилик, чўчқачилик ва мол боқувчи бошқа хўжаликларда асосий озуқа модда пахта чиқиндиси, кунжара, жўхори силоси ҳисобланар эди. Бу моддаларга маълум миқдорда хлорелла эритмаси қўшилганда молларнинг вазни 25 процентга ортди. Хлорелла эритмаси билан намланган тут баргларини пилла қурти яхши ейди. У турли хилдаги ташқи таъсирларга чидамли бўлади. Унинг етилиш муддати қисқаради. Ипак толалари 40 процентга кўпаяди.

Кўп йиллик илмий изланишлар, амалий тажрибаларда хлорелла ва бошқа майда сув ўтларининг беқиёс самарали ва жуда фойдали озуқа модда эканлигини тасдиқлади. Хлорелла ва бошқа сув ўтлари космик ва сув ости кемалари ҳавосини нормаллаштиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Япон олимлари хлорелладан тайёрланган порошокларни озиқ-овқат саноатида қўлланишни тавсия этдилар. Ҳозир кондитер маҳсулотларига хлорелла қўшиб тайёрланмоқда. Таркибида ярим грамм хлорелла сақловчи махсус ичимлик ишлаб чиқарилмоқда.

Чигит, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари хлорелла эритмасига намланиб экилганда уларнинг ҳосилдорлиги 10-17 процент ортиши аниқланди.

Хлорелла ва бошқа сув ўтлари юқорида айтиб ўтганимиз, хўжаликларда қўлланилса халқ хўжалигига жуда катта фойда келтиради. Миллион-миллион сўмларни тежаш имкони туғилади. Ўрта Осиё республикаларининг қирадир ва яйловларидаги ўтлар ёз бошланиши биланоқ қовжираб, сарғайиб қолади. Чорва моллари учун керакли витаминлар жуда камайиб кетади. Қуритилган ем-хашакларга хлорелла эритмаси қўшилганда чорва моллари уни яхши истеъмол қилади.

Барча республикаларнинг чорвадор районларида хлорелла ва бошқа майда сув ўтларини етиштириш катта хўжалик аҳамиятига эгадир.

Кейинги беш йилликда республикамизда хлорелла етиштирувчи улкан иншоотлар қуриш мўлжалланмоқда.

Сув ўтларининг сирларини ўрганиш, уни халқ хўжалигининг барча соҳаларига татбиқ этиш партиямизнинг XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

**А. МУЗАФФАРОВ,**
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.
**Т. ТАУБОЕВ,**
биология фанлари доктори.

# ПРОПАГАНДИСТЛАР ЎҚУВИ

Тошкентдаги партия, комсомол ва иқтисодий таълим назарий семинарлари ҳамда мактаблари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида»ги докладини, шунингдек, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг ССР Иттифоқи олтин юбилейига бағишланган қўшма тантанали мажлисининг бошқа материалларини ўрганишга киришмоқдалар.

Пропагандистларнинг ҳозир ўтаётган семинарлари бўлажак машғулотлар мавзуига бағишланди. Ана шундай семинарлардан бири пойтахтнинг Куйбишев районида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Уразаев ва бошқа олимлар пропагандистлар ҳузурида лекциялар ўқишди. Кремль Съездлар саройида бўлиб ўтган тантанали мажлис қатнашчиси, СССР Олий Советининг депутати ўқитувчи Н. Умарова байрамлардан олган ўз таассуротларини баҳам кўрди. Шаҳардаги етакчи олимлар шаҳарнинг бошқа районларида бўлиб ўтган семинарларда лекциялар ўқишди. (ЎзТАГ).

Бухоро области. Партия ташкилотларида партия сиёсий ўқуви қизғин олиб борилмоқда. Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда машғулотлар юксак ғоявий-назарий савияда ўтмоқда. Тажрибали пропагандист коммунист Жамол Жалолов раҳбарлик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабининг машғулотларига 50 киши қатнашмоқда. Суратда: пропагандист Ж. Жалолов марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулот ўтказмоқда.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ).

# Ўзбекистон Ахборот

БИР КОЛХОЗ ҲАЁТИДАН

## Текинга қолган корхона

Хоразмда бой хўжаликлар кўп. Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз шуларнинг бири. Хўжаликнинг ишлаб чиқариши сертармоқ. Ҳаммаси фойда келтирадиган. Колхоз маблағига ғишт заводи қурилди. Ишга тушганидан уч ой ўтгач, завод қурилишига кетган маблағлар қопланди. Ҳозиргача беш миллион дона ғишт ишлаб чиқарилди. Ўтган йили колхоз шу завод ҳисобидан 120 минг сўм фойда олди.

Янги ғишт заводи фойдаланишга топширилганидан буён колхоз марказий посёлкасида уч юз оила ғиштин иморатларда ҳовли тўйлари ўтказди. Ортиқча ғиштлар қўшни колхозларга, бинокорлик ташкилотларига сотиляпти. Текинга тушиб қолган завод шарофати билан колхозда хўжалик қурилишлари ҳам авж олиб кетди.

## Ҳунармандлар маслаҳати

Колхоз кексалари бир жойга тўпланганда, улардан кимдир уй-рўзғор буюмларидан гап очиб, шу ернинг ўзида зарур буюмларнинг айримларини ишлаб чиқариш мумкинлигини айтди. Кексаларнинг сўзини олтинга тенг кўрадиган раис Искандар Дўсов сергакланиб, уларнинг гапини тагтуги билан тушуниб олмоқчи бўлди. Маълум бўлишича, колхоз кексалари орасида кулолчилик ва чиннисозликдан хабардор кишилар бўлиб, бу уларга ота касб экан.

Шу ҳунаримиз йўқ бўлиб кетмаса, деган мазмунда гап қилишди кексалар. Хўжаликни бошқаришда уста бу раис ҳалиги маслаҳатли гапни правлениедаги активлари ўртасига қўйди. Кексаларнинг маслаҳати амалга ошди. Колхозда сопол буюмлар тайёрланадиган цех барпо этилди. Цехни тиклашда ва ускуналарни созлашда ота-бобоси ҳунарманд ўтган кексалар қарашиб юборишди.

Ҳозир ана шу цехда сопол лаган, товоқ, кўза, гулдон каби буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Цех колхозга 27 минг сўм фойда берди. Ярим йилдаёқ харажатларини қоплаган сопол буюмлар цехи маҳсулотлари савдо тармоқларига жўнатилиб турибди. Энди бу цехни кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Бугунги кунда шу цех базасида чинни буюмлар ишлаб чиқариладиган цех тиклаш ҳаракати бошланиб кетди.

## Қўша қаринглар

Хўжалик янги Бахт уйи қуриб олди. Колхоз кексаларини пенсияга кузатиш, ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашувлар ёшларнинг никоҳ тўйлари шу муҳташам бинода ўтадиган бўлди. Ўтган йили энг кўнгилли ўтгани колхозчи Тўхтагул Саъдуллаева билан механизатор Турсунбой Отажоновнинг турмуш қуришига бағишланган янгича тўй маросими саналди.

Тўйда кўп болали ота-оналар неча охирида янги турмуш қураётганларга:

— Қўша қаринглар, колхозимиз ва қишлоғимизнинг яхши анъаналарини давом эттирадиган замонавий оилалар бўлингиз, — дея яхши тилаклар билдирдилар. Колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари бундай тўйларнинг ташкилотчилари бўлишяпти. Ҳозирнинг ўзида бундай никоҳ тўйларидан 20 дан ортиғи шу Бахт уйида тантанали вазиятда ўтказилди.

## «Гулдаста» хизматингизда

Бу колхоз ўз санъаткорларига эга бўлиб боряпти. Истеъдодли йигит-қизлардан 23 нафарини бирлаштирган «Гулдаста» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Ёш санъаткорлар коллективига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Карим Раҳимов раҳбарлик қилмоқда.

— «Гулдаста» хизматингизда! — Колхоз радиоузели орқали ишлаб чиқариш илғорларига атаб бериладиган куй ва қўшиқлар ана шундай бошланади. Колхоз ансамбли гастроль концертлари ҳам қўйди. Наримановчи-ҳаваскорларнинг хушовоз ашулалари ва ёқимли куйларидан мусобақадош қўшни Тошовуз пахтакорлари, Чоржўй қурувчилари, Қорақалпоғистон шоликорлари, талабчан Тошкент томошабинлари ҳам баҳраманд бўлдилар. Концертларда яккахон ашулачи Шермат Файзуллаев, рубоб чалиб ҳониш этувчи Шодмоной Бекжонова ва рақкоса Ўғилжон Отаеваларнинг чиқиши томошабинларда катта таассурот қолдиряпти.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

# «САМАРҚАНДХИМСТРОЙ» ТРЕСТИ ТУЗИЛДИ

САМАРҚАНД, 5 январь. (ЎзТАГ мухбири). Ўзбекистон Қурилиш министрлиги системасида ташкил этилган ёш «Самарқандхимстрой» тресты ўз куч-ғайратини КПСС XXIV съездининг Директиваларида қўйилган вазифани бажаришга — Самарқанд Суперфосфат заводини тубдан реконструкция қилишга сарфлайди.

— Суперфосфат заводининг қувватини бир неча баравар ошириш кўзда тутилмоқда, — деди «Самарқандхимстрой» трестининг бошқарувчиси А. Д. Эм. — Корхонада фосфор ўғит ва сульфат кислотадан ташқари бир неча юз минглаб тонна мураккаб ўғит — аммофос ҳам ишлаб чиқарилади. Аммофос таркибида кўп миқдорда фосфор ҳам, азот ҳам бор. Трест шу йилнинг ўзидаёқ 7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши лозим. Беш йилликнинг охирги йилида эса 25 миллион сўмлик иш бажаради. 1975 йилгача суперфосфат заводидаги барча ишлар тугалланиши керак. Коллективимиз партия режаларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратини сарф қилади.

ОИЛА ДАВРАСИДА МУТОЛАА

# ҚИШ ЧИЛЛАСИ

Одам организми, унинг саломатлиги об-ҳаво билан узвий боғлиқдир. Атмосфера босимининг ўзгариши, намлиги, иссиқ-совуқнинг тез-тез алмашиниб туриши баъзи кишиларда, айниқса, бод касалига мойил кишиларда оғриқ пайдо қилади. Улардан баъзиларининг организми шунчалик сезгирки, об-ҳавонинг ўзгаришини олдиндан билиб, нолий бошлайдилар.

Фасллар ҳам организмга ўзига хос таъсир этиб туради. Баҳор фасли кишининг баҳри-дилини очса, ёз чилласи кишини иситиб, лоҳас қилади. Куз ҳавосининг организмга таъсири унинг ёғинли, совуқ ёки ёғинсиз, илиқ келишига боғлиқ. Ҳар холда куз фасли кишини аста-секин қирчиллама қишга ўргатиб, мослаб боради. А. С. Пушкин фасллардан айнан куз фаслини ёқтирган. Фаслларнинг оҳиста алмашиниб боришида катта тиббий ҳикмат бор.

Совуқ таъсирида қон томирлари қисқаради. Бинобарин, кишининг ранги оқаради. Буғдой рангли кишилар эса қорайганга ўхшайдилар. Чунки қон қочиб, тери пигментлари сайқаллашади. Тери бўртиб чиқади, тук ва сочлар типпа-тик бўлади. Киши совуқ еганда юрак ва буйрак томирлари ҳам қисқаради.

Совуқ ҳаво кўзни «қитиқлаб» ёшлатади. Худди шундай ўзгариш юқори нафас йўлларида ҳам содир бўлади, унинг шиллиқ қавати қизариб, «ёшланади». Натижада қуруқ йўтал (бронхит) пайдо бўлади. Агар ўз вақтида муолажа қилинмаса, бронхит зотилжамга айланиши мумкин. У вақтда ҳарорат кескин кўтарилади, беморнинг аҳволи оғирлашади.

Орамизда сурункали ўпка касалликларига (бронхит, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, бронх астмаси, эмфизема, сурункали яъни ҳали тузалиб кетмаган зотилжам ва бошқалар) учраган беморларга қиш фасли афсуски хийла қийинчиликлар туғдиради. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» деганларидек, бу беморлар ўз парваришларини яхши биладилар. Шунинг билан бирга оёқни иссиқ тутиш, совуқ ичимлик ёки қовун-тарвуз еб қўймаслик, совуқ нафас олмаслик (бурун ва бўйин аралаш иссиқ рўмолга ўралиб олишлик), оғир юк кўтармаслик каби эҳтиёт чораларини қайд этсак ортиқча бўлмайди.

Ўпка сили билан оғриганларга эса қиш ҳавоси қони даводир. Аммо қиш ҳавосидан қандай, қачон ва қайси усул билан фойдаланиш керак — буни мутахассислар очиқ-ойдин айтиб берадилар.

Қишда маълум сабабларга биноан организмнинг иммунно-биологик ҳимоя воситалари сусаяди. Шунинг учун ҳам қишда киши осонгина бирор дардга чалиниб қолади. Тумов, шамоллаш, бронхит, зотилжам, грипп шулар жумласидандир.

Қишда ўз вақтида тўғри ва сифатли овқатланиш ва жисмоний чиниқиш организмнинг ҳимоя воситаларини тиклайди, сақлайди.

Қишда одатдан кучли яъни калорияли овқат ейилади, аммо шунга яраша ҳаракат, меҳнат қилинмайди. Қадалиб олиб радио тинглаб, телевизор томоша қилинади, аччиқ-аччиқ чой ичилади. Бинобарин, бундай киши аста-секин семира бошлайди. Булар баданида биологик актив моддалар (органик кислоталар, биомикроэлементлар, ферментлар, витаминлар) кескин камайиб кетади. Семизларда ва бошқаларда қон томирларнинг барвақт қариб қолишининг (атеросклероз) боиси ҳам шунда. Қишда қуёш билан кам учрашиб турамиз. Демак, инсон соғлиғи учун фойдали ультрабинафша нурларидан маҳрум бўламиз. Бу ҳолат витамин «Д»ни камайтириб, қариликнинг ҳамроҳи холестринни кўпайтиради.

Шунинг учун ҳам қишда иссиқ хонада қадалиб ўтиравермасдан очиқ ҳавода сайр қилиб юриш, қуёш билан учрашиш, ультрабинафша нурларига тобланиш ниҳоятда зарур ва фойдалидир. Бу демак, организмни очиқ ва соф ҳаво билан чайиш, ювиш, кислород танқислигидан қутқариш демакдир.

Кучли овқатлар билан бирга хўл ва қуруқ мевалар, полиз экинлари, сут ва қатиқ соғлиқ учун энг керакли, энг муҳим ишқорий мувозанатни сақлайди, овқатнинг ҳазм бўлишини ҳам осонлаштиради.

Кўкатлардан кўк пиёз, салат, турп, петрушка, (витамин «С», «Р» ва фолиев кислота) томирларни бақувват қилади, қонни кўпайтиради. Қишда карамнинг моҳияти катта. Карам таркибидаги татрон кислотаси ёғга айланувчи углеводларни парчалаб юборади. Натижада киши ортиқча семиришдан сақланиб қолади.

Сузма, треска, қуён ва товуқ гўшти, тухумнинг сариғида ёғ, холестеринни «тартибга чақирувчи» холин, метионин кўп учрайди. Апельсин ва кўк нўхотда инозит деган кимёвий модда бор.

**Биз юқорида қиш фаслида соғлиқ учун нима яхши, нима фойдали деган бўлсак, шу нарсаларнинг барчаси сут ва сут маҳсулотларида муҳайёдир. Сут она мижоз, сут доимо ҳамроҳ, сут мўъжизадек қони давоки, ундан ҳали ҳеч кимга парҳез буюрилмаган. Сут туфайли гуруч ошларнинг подшоҳи — ширгуруч бўлиб олган.**

Қишда совуқ емаслик учун эрталаб ишга нонуштасиз кетиб бўлмайди. Жуда бўлмаса бир пиёла иссиқ сут ичиш ёки ширгуруч еб олиш мушкул иш эмас. Ҳаракатдаги киши совуқ емайди. Шоҳ амри билан қишда том устида тош думалатиб чиққан Насриддин афанди эрталаб терлаб, парлаб омон-эсон нарвондан тушиб келган. Серҳаракат чумчуқ қишда ҳам насибасини топиб ейди. Эринчоқ мусича эса бошини беркитиб, бурканиб олади-да, баъзан совуқдан қотиб қолади.

Совуқда, очиқ ҳавода қолиб кетиш организмдан жуда кўп энергия талаб қилади. Биз уни «совуқ ялаб кетди» деймиз. Чунки киши хийла хипчалашиб қолади. Ёзда иссиқ ҳаводан одам танаси қизиса, қишда одам танасидан ҳаво исийди. Бир ярим миллионли Тошкент аҳолиси Тошкент ҳавосини бир ярим даража иситади.

Ичкиликбозлар совуққа бардош беролмайдилар. Улардан баъзилари кўчада учиб қолиб, бирор аъзоларини совуққа олдириб қўядилар.

Совуқдан бурканиб, иссиқ сув билан ювиниб, иссиқ уйда қадалиб ўтирадиганлар бор. Аммо ҳеч нима бўлмагандек совуқ сувда ювиниб, қор бўронда юрадиганлар ҳам бор. Биринчилар ғамгин, маъюс, бўш, хом, умуман чиниқмаган, дардманд кишилардир. Уларнинг наздида «қиш бир ташвишга ўн ташвиш қўшади». Иккинчилари хушчақчақ, пишиқ, соғлом кишилардир.

Ухлайдиган хонада ҳаво исиб кетса (20-22 даража), киши кислород танқислигига учрайди, нотинч ухлайди. Совуқроқ хонада (14-16 даражада) эса ўпка чуқур-чуқур нафас олади, киши узоқ ва чуқур уйқуга кетади.

Ота-боболаримиз айвонда қишлаганлар. Кўкраги очиқ яхтак билан юмуш қилганлар. Қирчиллама қишда сувга шўнғиб олувчи кексалар кўп бўлган. Русларнинг иссиқ ҳаммомда ювиниб, супурги билан танани савалаб, сўнг қорга ёки совуқ сувга шўнғиб чиқиш одатлари организмни чиниқтириш борасидаги олий мактабдир. Парижликлар Пётрнинг аскарларини қишда Сена дарёсида баралла чўмилаётганликларини кўриб «ё тангрим» дея ёқаларини ушлаган эканлар.

**Кашмирликларнинг хунз тоифаси ях тагидаги сувга шўнғир экан. Улар ўртача 120 йил умр кўрарканлар. Аёллари 50-60 ёшда ҳам хушбичим ва гўзал эканлар.**

Совуққа ўрганиш, чиниқиш фазилати ҳақида буюк совет олими Саркизов-Серазинийга мурожаат қиламиз. Совуққа чиниқиш, «**муздай сувда чўмилиш барча оғир касалликларни даф этади, кишига узоқ умр ато этади**».

Баъзи вақтларда, маълумки, қиш қишлигини қилолмайди. Қуёш чиқиб, кунлар исиб кетади, дарахтлар уйғониб қолади. Бу хил табиатнинг «хатоси» илгаридан маълум.

Қадимий шоир дермиш:

**Қиш фаслида Нанайда пишган узум едик,**
**Ёз чилласида яхлаган Чирчиқдан ўтиб кетдик.**

**З. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**З. ЭГАМБЕРДИЕВА,**
медицина фанлари кандидатлари.

Замонамиз қаҳрамонлари

# ОЛТИН ТУПРОҚ

Бу воқеа ўтган йилнинг охирида рўй берган. У адирда эди. Тракторчи иккаласи шудгорда юришганди. Қоровул келиб «раис чақиряпти» деди-да, изига қайтди. «Янгисими, эскисими?» сўради Қобилжон анча узоқлашиб қолган қоровулдан. Қоровул овозининг борича қичқирди: «Янгиси!».

Ленин районидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли «Правда Востока» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон Собиров қўшни қишлоқ колхозига ишга ўтганди. Унинг ўрнига Хурсанали Турсунов раисликка сайланган эди. Янги раис чақиртирса, унинг гапи бор экан-да? Қобилжон ўйланиб қолди. Тракторчига шошиб миннатдорчилик билдирди.

— Раҳмат ука, боплабсан. Шудгор деган мана бундоқ бўлибди. Ерни ёпақдай товлантирибсан. Кам бўлма.

Қобилжон ўзини янги раисга ҳисоб беришга чоғлади. Ўзлаштирилган ерлар, янги пахтазорлар, бундан кейин ўзлаштирмоқчи бўлган жойларни бирма-бир кўз олдига келтирди: Адирга чиққанига тўрт йил бўлди. Бу даврда анча иш қилди. У бригадир бўлиб келганда адирдан 60 гектар ер ўзлаштирилган эди. Ҳосилдорлик 20 центнердан ошмаси. «Ерга ер қўшамиз, ҳамма пахта майдонини кенгайтираётганда биз қараб ўтиролмаймиз» деди у.

— Қандай бўларкин, бригадир, сиз бу ернинг шароитини яхши билмайсиз. Насос билан сув ичамиз. 60 гектар ерни зўрга суғоряпмиз. Мана кўриб турибсиз, бу нишаб жойларни суғориш жуда қийин. Бир нафас ҳам сувдан кўз узиб бўлмайди. Доимо эгатларни кезиб юрамиз. Ғафлатда қолдингизми, сув гўза-пўзаси билан ювиб, оқизиб кетади.

— Осон иш йўқ, ука, — деди Қобилжон сувчининг гапини бўлиб, — арикни узайтирамиз, насосни кўпайтирамиз...

Бригадирнинг айтгани бўлди. У бригада бошлиғи сифатида йўл-йўриқ ўргатиб турди. Адирариқ тўрт километр узайтирилди. Унга бетондан «тўн» кийдирилди. Насослар созланди. Асака адирига бошланган ҳужум давом эттирилди. Кийик ўйнайдиган чўққилар суриб текисланди. Куну-тун ер очди. Кафтдек ер очилса ҳам халқим, элим деб пахта экди. Доимо «оқ олтин» учун курашаётганларнинг олдинги сафида бўлди. Бригаданинг ери 60 гектардан 150 гектаргача етказилди. Шундан 139 гектарига чигит, қолганига маккажўхори экилди. Қобилжон бригадир бўлиб борган йили ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнер ортди, кейин 36,5 центнерга кўтарилди.

Қобилжоннинг ташаббуси билан бригада ерлари машина теримига мослаштирилди. Яхлит-яхлит карталар пайдо бўлди. Адир бағрига «зангори кема»лар ўрмалади. Ҳар йили бригада бўйича ялпи ҳосилнинг тенг ярми бункерлардан тўкилди. Унда одамлар Қобилжон Мирзаевни адир қаҳрамони деб аташди...

Қобилжон қир ошди, пастга тушди, қоялар ёнидан ўтди. Қош қорайганда идорага кириб келди. Янги раис ўрнидан туриб очиқ чеҳра билан қарши олди:

— Олтинчи бригадада иш бир оз оқсаб қолди. Ҳосилдорлик 40 центнердан ортмаяпти. Ери яхши, бундан ҳам кўпроқ ҳосил олса бўлади. Сизни шу бригадага ўтказсак дегандик, нима дейсиз?

Бригадир иккиланиб ўтирмади. «Хўп» деди. Қобилжон Мирзаев олтинчи бригадага ўтди. Дала айланди. Бир вақтлар қазилган иккита зовур анча майдонни банд қилиб ётарди. Уларни кўмдириб ташлади. Томорқалар тартибга солинди. Ерлар кафтдек текисланди, чигит жуда қисқа муддатда экиб олинди. 71 гектар майдоннинг ҳаммасига чигит билан бирга ўғит солинди. Кўчат текис унib чиқди. Ниҳоллар агротехника қондалари асосида меҳр билан парвариш қилинди. Сув деса сув, ўғит деса ўғит берилди. Ҳосил мўл бўлди. Пахта терими уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳар гектар ердан 52,5 центнердан хирмон кўтарилди. Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнер ошди. Йиллик план 167 процентга етказиб бажарилди.

Қобилжон гўзанинг «тилини» яхши билади. У билан бемалол гаплашади. Раис айтмоқчи унинг умри далада ўтяпти. Меҳнатдан бошқа нарсани билмайди. Халқимиз орасида тупроқ олсанг, олтин бўлсин деган гап бор. Ҳалол меҳнат туфайли Қобилжоннинг олгани олтин бўляпти.

Партия ва ҳукуматимиз Қобилжон Мирзаевнинг ҳалол меҳнатларини юксак тақдирлади. Унинг кўксига «Ҳурмат Белгиси» ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали, Ленин юбилейи медалини тақиб қўйди. Қобилжон СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бронза медали билан мукофотланган. Шу йил 14 декабрда Қобилжон Мирзаевга СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Юксак мукофотдан илҳомланган Қобилжон Мирзаев бригадаси аъзолари беш йилликнинг учинчи йилида 60 центнерлик маррани эгаллашга сўз бердилар. Бригаданинг барча экин майдонлари сифатли қиليб шудгорлаб қўйилди. Ҳайдов олдидан ерга ўғит солинди. Ҳозир қишки дала ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



Улкан нурхона — Сирдарё ГРЭСининг биринчи навбати нур бера бошлади. Суратда: ГРЭСнинг умумий кўриниши.

А. Тўраев фотоси.

## ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший ва хўжалик товарларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида республикамизда биринчи марта Тошкент область матлубот союзининг савдо-сотиқ базасида Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари кооператив ташкилотларининг улгуржи ярмаркаси бўлиб ўтди. «Центросоюз»нинг «Главкоопхозторг» ва «Главкоопкультторг»ига қарашли 16 база хўжалик ва маданий-маиший товарларини намойиш қилдилар. Ярмарка ишида Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан 300 киши қатнашди. Республикаларо ярмаркада қишлоқ меҳнаткашлари учун зарур бўлган 10 миллион сўмликдан ортиқ товарлар сотиб олишди.

Республикамиз кооператорлари савдо тармоқларида кам бўлган товарларни сотиб олдилар.

**С. ТОНИЯНЦ,**
**«Ўзбекбирлашув» правленниеси савдо бошқармасининг бошлиғи.**

## ШЎР ЮВИЛМОҚДА

Сирдарё райони областда биринчи бўлиб ерларнинг шўрини ювишни тамомлади. Чигит, беда, маккажўхори, полиз экинлари экиш учун мўлжалланган ўн уч минг гектарга яқин ернинг шўри ювилди.

Шўр ювиш ўтган йиллардагига қараганда енча олдин, йиғим-терим тамом бўлиши билан бошланди. Хўжаликлар бир мингдан ортиқ тажрибали мирабларни ажратиб, уларни пройафзал, кийимкечак билан таъминлади, бевосита даланинг ўзида иссиқ овқат ташкил қилди. Ирригаторлар ҳам ғайрат қилиб, сувни ўз вақтида етказиб турдилар. Шунинг натижасида райондаги колхоз ва совхозлар ҳар куни 300 гектаргача майдоннинг шўрини кетказдилар.

Боёвут, Янгиер, Гулистон ва бошқа районларда ҳам шўр ювиш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Сирдарё областида ерларнинг шўрини ювиш билан ҳозир қариб беш мингга яқин мелиораторлар шуғулланмоқда. (ЎзТАГ).

ОЗАРБАЙЖОНДАН ХАТ

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ИФОДАСИ

Маълумки, ўзбек халқи ва Озарбайжон халқи ҳамиша дўстликка амал қилади. Ғафур Ғулом, Ойбек, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Зулфия, Мақсуд Шайхзода ва бошқа ўзбек шоирларининг асарларини Озарбайжон ўғил ва қизлари севиб ўқимоқда. Ҳар бир ўзбек ёзувчиси, шоири мен учун Низомий қадар буюк, Фузулий қадар азиздир. Ғафур Ғуломнинг бой ижодини буюк бир мактаб деса бўлади. Ўзбек совет адабиёти ва маданиятининг фахри бўлган Ғафур Ғуломни ўзимга устод-мураббий этиб сайлаганимдан бахтиёрман.

Мен Озарбайжон ССР Қуба районининг Хиналуғ шаҳрида ўрта мактабда тил ва адабиёт муаллимиман. Мен эндиликда Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов ва Зулфия асарларини ўзбек тилида ўқимоқдаман. Ғафур Ғуломнинг «Танланган асарлар»и, Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи, Зулфиянинг «Ўйлар»и менинг севимли китобларим бўлиб қолди.

Ғафур Ғуломнинг «Танланган асарлар»и менга ҳуда ёқади. Китобдаги шеърлар, баллада ва поэмалар, прозаик асарлар ҳеч муболағасиз менга катта завқ-шавқ бағишлайди. Ғафур Ғулом ўзининг «Озарбайжонли пахтакор қардошларга» шеърида ёзади:

Икки республика қўл-қўл тутишиб
Оламлар кўрмаган ҳосил ундирдик.
Асримиз илмини меҳнатга замлаб,
Ери ва иқлимини ўзга кундирдик.

Ўзбекистоннинг энг истеъдодли шоираси Зулфия «Қўзғу» шеърида ёзади:

Қишлоқми, шаҳарми — элними кездим,
Ҳеч не келтирмадим дўстликдан ортиқ.

Ўзбек дўстларимнинг шу сўзлари ҳамиша қалбимда яшайди.

**Раҳим АЛХОС.**

## ЧЕГАРА

Йўллардан мен йўлларга ўтсам,
Йўлларнинг ҳам бор чегараси.
Эллардан мен элларга ўтсам,
Элларнинг ҳам бор чегараси.

Чегара бор шаҳар, қишлоқда,
Тоғ чегара биргина анҳор.
Чегара бор овул, ўтлоқда,
Ҳар бир оннинг чегараси бор!

Чегарага эгадир олам,
Ҳар бир дамнинг ўз эгаси бор.
Яшаётган кунларимнинг ҳам
Ўлчови бор,
Чегараси бор!

Кулгуларга тўлса коинот,
Чегарасиз деманг, одамлар.
Чегарага муҳтождир ҳаёт,
Чегараси оддий қадамлар.

Бу ҳаётда ҳар бир нарсанинг
Чегараси бўлгани яхши.
Қишда булут, ёзда қуёшнинг —
Осмон узра кулгани яхши!

Фақат дейман: ошиқ-маъшуқнинг
Чегарасиз бўлсин иқболи.
Чегарасиз экан дунёда —
Одамларнинг орзу-хаёли!

**ТЎЛҚИН.**

*Болаларингизга ўқиб беринг*

### ҲИСОБ ДАРСИДА

Доскага чиқ,
Мукамбар.
Бўрни олгин, хўш,
қани.
Битта мисол
ишлаймиз,
Учта учин қўш,
қани?
Лекин оддий
мисолни
Ечолмади
Мукамбар.
Муаллим сўраб
қолди:
— Айтчи, қанча
уканг бор?
— Олтита.
— Улар бирдан
конфет еса,
Бўлар нечта?
— Бешта...
— Ҳеч-да?..
Шошилмасдан ўйла
бошдан.
— Битта укам қант
емайди,
Ҳали ёш-да...

Турсунбой АДАШБОЕВ.

### МАШИНИСТ

Менинг акам Мирниёз,
Ҳайдар доим тепловоз.
Машинасин севади,
Ҳарвақт тутар тоза,
соз.
Тобланган мускупларга
Ва пўлатдек қўлларга
Бўйсунган зўр тепловоз
Учар узоқ йўлларга.
Машина наъра тортиб,
Беннҳоя юк ортиб,
Ўт нафас пуркаб борар,
Елда ёлдек таратиб.
Йўлга чиқса қишу ёз,
Темир йўллар поёндоз,
Катта бўла қолсайдим,
Минар эдим тепловоз.

Жўра РАҲИМОВ.

### НУРЛИ ЧИЗИҚ

Юлдузларнинг орасидан
Бирин танламадим.
Юлдуз бўлиб кўзим,
олам
Жамолига қарадим.
Юлдуз наби узиларман
Мен ҳам дунёдан бир кун.
Қолдирганим нурли чизиқ
Бўлсайди сўнмас,
узун.

### АЛАНГА

Майли, йўлда тоғ паст тушай,
Тоғи чиқай баландга,
Фақат
сўниш билмаса бас
Қалбимдаги аланга.
У пўлатдай тоблар мени,
Чирмашса қилмас қаро.
Ёлиб чиқар
чақмондан тез
Ҳатто оловлар аро.

Тўлқин ИЛҲОМОВ.

### СУМАЛАК

Томимиз бўғотига
Сумаланни кеча ким —
Илиб кетибди, десам
Жавоб бермади ҳеч ким.

Лекин топдим мен ўзим:
Қорбобонинг иши бу.
Уйимизни арчадай
Безатмоқчи бўлган у.

### ҚОР ЁҚҚАНДА

Ёгар оппоқ қор,
Тўшалар ерга.
Салим тушунмас,
Ҳайрон бу сирга.
Қуёш бобомиз
Ун эларми ё —
Бутун атрофга
Ун ёгар гўё.
Ё тегирмонни
Ун-пуни билан
Учирганмикан
Ел туни билан.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

# „КЕЛОВЧИ"НИНГ КАМОЛИ

ЛАВҲА

Келовчи қишлоғининг қизиқ тарихи бор. Қадимда балчиқ, қўриқзор жойлар экан. Қирғовул дейсизми, ёвойи ғозу ўрдак дейсизми, ҳатто тўнғизлар дейсизми бари топиларкан. Улжа бор жойда овчи ҳам бор. Хуллас биринкетин, сўнгра гуруҳ-гуруҳ бўлиб овчилар бу ерга кўчиб келишган. Турғун бўлиб яшаб қолганлари янгитдан келаётганларга «Кел, овчи» дейишган.

Келовчи қишлоғи шундай тугилган дейишади.

Овчилик келовчиликларнинг бирдан-бир тириклик манбаи, бисоти ҳисобланган. Лекин дунёда ҳар нарсанинг ўз бош-охири бор. Бир қўриқнинг ўлжаси бир қишлоқ овчини боқармиди. Хуллас, келовчиликларда овчиликдан фақат ном қолиб, ўзлари замонлар келиб деҳқончиликка уриб кетишган. Келовчиликлар узоқ тарихининг қолгани қандай кечгани бизга қоронғу. Лекин Келовчининг ярим аср нарёғидаги ҳаёти ҳақида шу қишлоқлик қария Исокул ота Мусаев шундай ҳикоя қилади:

— Қишлоқ аҳли посирага тариқ, арпа, буғдой экарди. Эсимда бор: уйдаги донни ота-оналаримиз лойга қориштириб, гувала қилишарди. Сўнг қуритилган гувалалар тахлаб қўйиларди. Бунинг боиси бор эди: саҳро одамлари ҳар йили қишда ва баҳорда қишлоққа бостириб кириб, бор бут-шутдимизни шип-шийдон қилиб кетишарди.

Бир қиш чилласи «Қипчоқлар бостириб келяпти» деган шум хабар тарқалди. Бир зумда одамлар мол-ҳолини, бола-бақрасини олиб қишлоқ ёнидаги тепаликка чиқиб кетишди. Бу тепаликни келовчиликлар атрофига тош териб, шундай қора кунларда бошимизга бошпана бўлар деб қўрғонча қилиб қўйишган эди. Хуллас, бир замон қий-чув, ур-сурон солиб отлиқ қипчоқлар келиб қолишди. Тепаликка тирмашган эдилар, тошбўронга тутиб бердик. Бири майиб бўлиб, бошқаси пешанаси ғурра бўлиб сўкиниб-ҳайқириб орқага қайтишди. Тепалик атрофида уч-тўрт кун изғиб юришди, сўнг қишлоқдаги ҳовлиларни тинтиб чиқишди. Гувалалардан бошқа нарсани тополмасдан даштларга қуруқ қўл билан қайтиб кетишди.

Қароқчилар изларига қайтиб, қишлоқ тинчигандан кейин пайти-пайти билан гувалаларни майдалаб, ғалвирдан ўтказиб, оз-оздан дон ажратиб олардик. Сизларга бу гаплар ғаройиб туюлар, лекин булар бизнинг бошимиздан кечган савдо эди.

Инқилобни келовчиликлар ҳам шоду қуррамлик билан кутиб олишди. Ер ислоҳати бошланди, батракларга ер бўлиб берилди. Б ерда 1930 йиллари «Учқун» колхози тузилди. 35 хўжалик, бир жуфт хўкиз, учта от билан тортиладиган плуг, иккита темир сўқа, иккита омоч—мана илк колхознинг бор-йўқ бисоти. Пахта экардик. 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 10-12 центнердан пахта олганмиз.

Аста-секин қишлоқлар бирлашиб, колхозлар йириклашиб борди. 1952 йилда тўртта қишлоқ бир колхоз бўлди. Номи — «Гулистон». Маркази — Келовчи. Колхозчилар бир ёқадан бош чиқариб «мухбир бола» деб ном қозонган Ислиддин Ҳайдаровни колхоз раислигига сайлашди. Унинг лақаби сизни ажаблантирар. Келинг, мен сизга айтиб бера қолай: Ислиддин қишлоқ Советининг котиби бўлиб ишлаётган пайтларда район ва область газеталарига мақола ёзиб турарди. Бир мақоласида райкомдан колхозга вакил бўлиб келган кишини танқид қилиб қолди денг. Вакил колхоз ишини йўлга қўйишда колхоз активларига кўмаклашиш ўрнига маишатбозликка берилиб кетибди... Вакил мухбир болани топдириб, «Мени ёзадиган сен бўлдингми» деб дўқ-давара уриб, уни қамчи билан савалабди.

Бу гап ўша пайтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган Усмон ота Юсуповнинг қулоғига етиб қолибди. Ўртоқ Усмон Юсупов имзоси билан маҳсус қарор чиқиб, қишлоқ мухбири Ислиддин Ҳайдаровга таҳдид қилганлиги учун Пискент район партия комитетининг учинчи секретари Э. Эшмуҳамедов ишдан олинганди.

Шу-шу, Ислиддин «мухбир бола» деган ном қозониб қолди. Колхозчилар унинг ҳалол, ростгўйлиги ва кўпчилик мулки учун жонкуярлигини ҳисобга олиб ўзларига раҳбар қилиб сайладилар. Ислиддин, мана, 20 йилдан буён «Гулистон» колхозига раис. У бошлиқ хўжалик шу йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу йил минг гектардан эшёд пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олинди.

Омоч-сўқалар таомилдан чиқиб, унутилиб кетган. Колхоз йирик механизациялашган хўжаликка айланган. Мана шу йилнинг ўзида ҳосилнинг 70 процента машиналарда териб олинди.

Ҳозир колхозда ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, татар, уйғур, турк, корейс каби кўпгина миллат вакиллари бир оила аъзоларидай аҳил яшашади, тўйларида ҳам ҳар хил халқларнинг куй ва қўшиклар ижро этилади.

Қишлоқ йўллари асфальтланган. Оппоқ замонавий уйлар қад кўтарган, ҳар уйда телевизор, радио, Ильич чироғи...

Келовчи камол топяпти.

**А. НАБИЕВ.**

Нурота районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг моҳир сут соғувчиси Ҳуснобод Бошманова 24 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 1600 ўрнига 2200 литрдан сут соғиб олди. У ҳозир оширилган мажбурият ҳисобига сернаймоқ маҳсулот топширмоқда. Суратда: социалистик мусобақа ғолиби Ҳ. Бошманова.

Э. Суяров фотоси.

# „ИХТИРО"

АЖАБ САВДОЛАР

Янги ихтиролар, рационализаторлик таклифлари дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этилса, жуда катта наф келтиради. Меҳнат унумдорлиги кўтарилади, бинобарин, даромадга яраша буромад деганларидек, корхона оладиган фойда ҳам ортиб боради. Юқори Чирчиқ район матлубот жамиятига қарашли ном комбинатида ихтирочилик ва рационализаторлик келтирган фойдани ва иқтисодий жиҳатдан, на маънавий жиҳатдан ўлчаш учун мезон топилмаса керак.

Ихтиро авторлари ҳам камтарлик қилишиб, буни мен кашф этганман, деб кўксиларига урайётганлари ҳам йўқ, авторлик даъво қилиб, жанжал кўтарганлари ҳам йўқ. Шунга қарамай, комбинатда жорий этилган янги «ихтиро» «фойда» устига «фойда» бўлди, нонвойларнинг ишини бир неча бор камайтирди, яъни «енгиллаштирди» демоқчимиз.

Мана энди сиз ҳам бу «ихтиро»га қизиқиб қолган бўлсангиз керак. Унинг моҳиятини билмоқчи бўляпсиз, комбинатга қандай фойда келтирганлиги билан қизиқяпсиз. Ҳа майли, айтсак айтақолайлик. Сиз ҳам хабардор бўлиб қўйинг:

Нон ёпиш қанчалик машақатли иш эканлигини биласизми? Айниқса район шароитида. Ҳали кўп ишлар механизациялашмаган. 300-400 килограмм ундан хамир қилиш осон дейсизми! Зувала қилиш, ясаш, ёпиш, хуллас нонвойнинг иши осон эмас. Тандир олдида оловда куйиб, пешона тери тўккан одам билади буни. Комбинатда жорий этилган «ихтиро» эса нонвойларнинг шу ишини енгиллаштирди. Мана энди улар қўлларини совуқ сувга урмай фойдани санашяпти. Масалан, Янгибозор матлубот жамиятига қарашли 16-магазинга 300 килограмм нон «етказиб» берилди. Нон сотилди, пули комбинат кассасига тушди. Шу матлубот жамиятига қарашли ўртоқ Туронов мудирлик қилаётган 24-магазин орқали 1500 килограмм нон сотилди, деб расмийлаштирилди. Бутун ихтиронинг моҳияти ана шунда.

Комбинатда жорий этилган янгиликка жуда қизиқиб қолган бўлсангиз, лўндасини айтиб қўяқолайлик. Аслини олганда, бу ерда янгилик ҳам йўқ, ихтиро ҳам ишлаб чиқаришга эмас, бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларига жорий этилган. Комбинатга келтирилган ун нонвойлар қўлига эмас, шахсий бойлик орттириш, орттирганда ҳам аҳолига сотилиши лозим бўлган нон ҳисобига шахсий бойлик орттириш пайига тушган бир неча олғирларнинг омборига бориб тушмоқда. Хўш, магазин орқали сотилган нонлар-чи? Аслида, магазинга нон ҳам келтирилмаган. Комбинатда пиширилмаган нонлар «пиширилди» деб ишчихизматчиларга қилинмаган иш учун маош берилган. Магазинларга эса нон ўрнига қуруқ накладнойлар юборилган. Шу тариқа тонна-тонна ун реализация қилинаверган. Худди шу йўл билан нон комбинатининг бухгалтери Ольга Ким 660 килограмм, слесарь Погодин 270 килограмм ун олишган.

Бундан комбинат экспедитори Просковья Иванова ҳам четда қолмаган. У Жумабозор матлубот жамиятига қарашли 6-магазини адресига 500 килограмм нон юборгани ҳақида накладной ёзиб, расмийлаштириб, магазин мудири Мария Лига 55 сўм пул берган, 300 килограмм унни эса ўз уйига олиб кетган.

Хўш, нон комбинати ходимларига шунча ун нега зарур бўлиб қолибди? Ҳамма гап ана шунда! Улар меҳнаткашларнинг пешана тери билан етиштирилган буғдой уни билан чўчқаларни боқишяпти.

Комбинат директори Романченко ва ишлаб чиқариш бошлиғи Гуржос ўртоқлар бир неча йилдан бери нон пиширib меҳнаткашларга сотиш учун берилган унни ана шу тариқа пуллаб келганлар. Прокуратура томонидан тинтув ўтказилганда Ольга Ким, Погодин, Просковья Иванова ва бошқаларнинг уйидан 1300 килограмм ун топилди. Бу нонга айлантириб ҳисоблаганда 2,5 тоннага яқин бўрсилдоқ нон демакдир. Халқимиз меҳнатнинг қадрига етганидек, унинг маҳсули бўлган нонниг ҳам қадрига етади. Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон деб бежиз айтмаганлар. Нонни тежаш, исроф қилмаслик, халқ ибораси билан айтганда увол қилмаслик керак. Нонкўрларга эса Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 175-моддасини эслатиб қўйиш зарур.

**Ҳ. ИБРОҲИМОВ,**
**Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛЯПТИ

Фрунзе район касалхонаси ва поликлиникасининг иши талабга жавоб бермайди. Уларнинг бинои яроқсиз. Бу ерда беморларни даволаш учун нормал шароит йўқ. Натижада шифокорларнинг ишида катта қийинчилик тугиляпти. Район ва область соғлиқни сақлаш бўлимларининг раҳбарлари, партия ва совет ташкилотлари бу ҳолга барҳам беришлари, касалхона ва поликлиниканинг ишни ишлаши учун шароит яратиб беришлари керак.

Район аҳолисидан олинган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Фарғона область соғлиқни сақлаш бўлимига юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, текширишда хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Район поликлиникасига янги бино ажратилган. Касалхона реконструкция қилиняпти. 300 ўринли янги касалхона бинои қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда.

*Спортга меҳр қўйганлар*

# ҚАЛДИРҒОЧЛАР

«Қадрли дўстим!

Ниҳоят, илтимосларингга жавоб йўллаяпман. Қуёшга юз ўгирган республика пойтахтида барпо этилган мактабимиз номи ёдингдадир. Бугунги кунда тошкентлик спортсеварларнинг дилтортар масканига айланган «Юбилей» саройини никовлон айланиб чиққан эдик. Яқинда ана шу спорт кошонасида бошланган хайрли ишимизнинг бир йиллиги нишонланди.

Машқларга зўр берилганининг нафи тегяпти. Дастлабки йил якунидаёқ бўлажак муз устида рақс усталарининг ҳаракатида катта ўзгариш борлиги сезилди. Назаримда, 1971 йил охирида сен омсклик ёш талабаларинг билан меҳмонимиз бўлганингдан бери олдинга силжиган кўринамиз. Мармардек музга илк бор конькида чиққан навқирон дўстларимнинг қунимсиз оёқларини дадил тута бошлаганларидан, айримлари ўзларини эркин ҳис қилиш билан музикага мос ҳаракат майлларидан қувонгандим ўшанда. Сен устозлик қилаётган мактаб фигурачилари билан тошкентликларнинг ўртоқлик учрашуви вақтида сарфлаган меҳнатимиз самараси ва камчиликлар қиёсланди. Кейин саралаш билан Н. Қурбонов, Игорь Шувалов, Марина Кушнарёва, Назима Бобохонова, Игорь Никифоров каби йигит-қизчалардан иборат 20 кишилик терма команда туздик.

Дебоча йилда спортнинг янги, лекин серзавқ, ҳаяжонли ва нафосатли турига меҳр қўйганлар кўп нарса ўргандилар. Фигурали учиш бўйича Тошкент музи оҳорини тўкканлар орасида коньки боғлашга оғриниб, ҳафсаласизлиги билан дил оғритадиганлари бўлмади десам, муболағамас. Албатта қобилият, иштиёқ, қолаверса истеъдод ҳар кимда ҳар хил. Лекин муҳими, менимча сабр-қаноат билан машқларни ниҳоясига етказа билишда.

Болаларнинг спорт маҳоратини бетиним оширишга, мураккаб ҳаракатларнинг ижроси учун хореография талабларига жавоб бера оладиган бўлишларига ва ниҳоят коньки учишда гавдани музика оҳангларига мойил мослай билишларига эътиборни кучайтирдик. Сабаби, ҳамкасаба сифатида сенга аён. Чунки, ўзининг жозибали ҳаракатларини турли пардаларда жарангловчи куй-қўшиқлар билан уйғунлаштира оладиган моҳир спортчигина мухлислар олқишига сазовор фигурачи бўлиб танилади. Муз устида фигурали учишнинг ўзига хос жозибаси ҳам, нафосати ҳам, завқи-ю кўрки ҳам шундан.

Мактубларингдан бирида «талабалар сафи кенгайдими?» дегандинг. Ҳа, дўстим. Қуёшли ўлка пойтахтида спорт иштиёқмандлари кўп. Мактабга кириш истагини билдирган 1500 нафардан зиёд болаларни имтиҳонлаб, атиги 115 кишини билан машғулотларни бошлаб тўғри қилган эканмиз. Чунки, гавдаси расо, соғлом ва мусиқавийлиги билан ўз тенгдошларидан фарқ қилувчиларни танлашимиз зарур эди-да. Ўғлим ёки қизим фигурачи бўлса дегувчилар ҳозир ҳам талайгина. Музда коньки сураётганларнинг сафи эса, 200 га етган.

Йил давомида программани тўлиқ ўтаган фигурачиларимиз разрядли бўлишди. Энди улар 6-11 ёшга киришган. Спорт «алифбе»сини тугатиб, мустақил ўқиш — ҳаракатларга ўтиш тараддудида. Кўпчилик турли машқлар — ярим ҳалқа, бир ерда турганча чарх уриш, ҳаракат чоғида енгил туриб-ўтириш, парвозга шайлангандай бир оёқда қалдирғочсифат учиш, «параграф» каби шаклларни бехато бажаришга уринаётганлардан. Сизларда қандай йўлга қўйилганини билмайману, ўзимизда қўшфигурачилар тарбиясига ҳам аҳамият бериляпти. Жуфт бўлиб учишни машқ қилаётганлардан Света Куниева билан Жўра Ҳакимов, Марина Капушченко билан Саша Бик, Раиса Попова билан Ринат Содиқовларнинг ютуқларидан мамнун бўлиб турибмиз. Турли миллат вакилларидан иборат ёш спортчиларни камолот йўлига чорлашда уларнинг устозлари ҳамжиҳатлик кўрсатишяпти. Тренерлар Хван Игорь, Цой Владимир, А. Копитов, Шин Ольга, Н. Абрамович, хореографлар Ҳ. Қосимов, Н. Козиченколар билим ва тажрибаларини аяшмаяпти. Уларнинг серғайрат меҳнатлари туфайли Диля Иброҳимова, Муслим Сатторов, Марина Кушнарёва, Наби Қурбонов каби ёшларга «Аълочи» номи берилган.

Албатта, режаларимиз сени қизиқтиради. Аввало, Омскийга бориш ва сен бошлиқ «Труд» командаси билан чинакамига куч синашишни ўйлаяпмиз. Биринчи чиқишимиз — катта тантана — салкам 5 миллионли «оқ олтин» хирмони уйган пахтакорлар ҳузурида «Ҳосил байрами» кунлари ўз маҳоратимизни намойиш қилиш билан ўтди. Энди 10 та шаҳар командаси иштирокида ўтадиган «Восток» кубоги учун курашга ҳозирланмоқдамиз.

Хуллас, бош тренерлик осонмас. Баъзан ишимизнинг равнақи йўлида директоримиз Г. Джорджаладзе билан баҳслашамиз. Шу дегин, машғулотларни қатъий программа асосида олиб бориш учун муз майдони бўш бўлавермайди. Гоҳ хоккейчи-спартакчилар эгаллашса, гоҳ уларнинг ўринбосарлари билан банд бўлади. Муз майдонига алоқаси йўқ чиқишлар ҳам бўлиб туради. Афтидан, ваъда қилинган очиқ яхмалак қурилгандан кейин шарт-шароитлар буткул муҳайё бўладиган кўринади. Ёзги соғломлаштириш спорт лагери барпо этиш масаласи ҳамон жумбоқ. Энг муҳими, иш бошланган ва муваффақиятлар ҳам чаккимас.

Йиллар ўтар, Ўрта Осиёда ягона саналаётган республика болалар ва ўсмирлар фигурали учиш мактаби талабаларидан балки Ўзбекистон спорт довруғини кўтарадиганлар етишиб чиқар. Яқин келажакда бизнинг қалдирғоч ёшларимиз орасидан жаҳонга машҳур Ирина Роднина ва Сергей Четверухин каби фигурачи юлдузлар майдонга чиқса ажаб эмас.

Эҳтиром билан А. ТРУШКОВ».

Хатни оққа кўчирувчи Ҳ. НОСИРОВ.

Суратларда: ёш фигурачилар (чапдан ўнгга) Марина Капушченко, Темир Бобохўжаев, Сергей Попов, Назима Бобохоновалар муз устида машқ қиляптилар.

Автор фотолари.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА — 9.10 «ТОШКЕНТ. 9.15 — Мультфильм. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Кинотопишмоқ. 10.20 — Тўрт танкчи ва ит (бадиий фильмнинг 7-серияси). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Музика жавони. 12.10 — Мультфильм. 12.40 — Концерт. 13.30 — Маҳсулотлар — халққа. 14.00 — Мультфильм. 15.15 — Қишлоқ янгиликлари. 16.15 — Концерт. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — «Колокольчик» клуби. 18.20 — Сеними, шошмай тур (мультфильмлар). 19.00 — АХБОРОТ. 19.15 — Экран ҳандаси. 20.00 —АХБОРОТ. 20.30 — Тошкент музида ёш фигурачилар. 21.10 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30— Илғорлар минбари. 22.45 — Бахт кулиб боққанда (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.45 — МОСКВА. Киносаёҳатчилар клуби. 18.45 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 19.30 — Ёш ижрочилар концерти. 20.20 — Энг гўзал кемалар (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.30 — Концерт. 22.00 — Кинофильмлар. 22.30 — Ўтган йилнинг сўнгги кечаси (телеспектакль). 23.40 — «Шеърият». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.45 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/I да **Золушка** (кундузи), **Трубадур** (кечқурун), 8/I да **Русалка** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да **Тарих тилга кирди** (кундузи), **Инқилоб тонги** (кечқурун), 8/I да **Тарих тилга кирди** (кундузи), **Қонли сароб** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/I да **Тоғ гўзали** (кундузи), **Жумагул** (кечқурун), 8/I да **Хотинимнинг эри** (кундузи), **Лақма** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да **Садоқат** (кундузи), **Номзодлар** (кечқурун), 8/I да **Ойдин** (кундузи), **Трибунал** (кечқурун).

## КИНО

**Танҳо ўзинг** — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2, 4, кеч 7.20 минут ва 9 да).

**Адашганлар** — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, 5, кеч 7 ва 9 да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4, кеч 6, 8 да).

**Пеппи Така-Тука мамлакатида** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ДРУЖБА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

**Эр-хотин ҳаёти** (кундуз соат 2, кеч 8 да), **Сизнинг турар жойингиз** (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 да): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

**Кутамиз сени, йигит!** — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

**Шамол билан юзма-юз** — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

**Дунё** (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Айллар ва берсальерлар** — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

**Андрей Рублев** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 9 да).

**Афсунгар пойгачи** — ҲАМЗА номли (кундуз соат 5 да ва кеч 9 да).

**Оливер** (2 серия) — «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5, кеч 8 да).

# ЖАҲОН БЎЙЛАБ

## СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДАЪВАТИ

ВЦСПС, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети, Вьетнамга мадад берувчи Совет Комитети, Совет—Вьетнам дўстлиги жамияти, Совет хотин-қизлар комитети, СССР ёшлар ташкилотлари комитети, Совет тинчлик фонди, СССР Студентлар кенгаши биргаликда баёнот эълон қилиб, Стокгольм конференциясининг Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битимнинг дарҳол имзоланиши учун тинчликсевар кучларнинг баҳамжиҳат ҳаракатлари умумжаҳон кампаниясини кучайтириш тўғрисидаги даъватини совет жамоатчилиги номидан қизғин қўллаб-қувватладилар. Вьетнам билан бирдамлик жаҳон ҳаракатининг олдинги сафларида бораётган совет жамоатчилиги, дейилади баёнотда, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатиш учун, шунингдек Вьетнамда тинчлик ўрнатишга бағишланган фавқулодда халқаро конференцияни чақириш учун тинчликсевар кучларнинг биргаликда ҳаракатлари ойлигини январда ўтказиш тўғрисида Стокгольм конференцияси қилган мурожаатни қатъиян қўллаб-қувватлайди.

Ҳозир қаҳрамон Вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш, АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессив сиёсати давом эттирилаётганлигига қарши жуда кенг кўламда кескин ҳаракатларни авж олдириш айниқса актуал ва зарур вазифа бўлиб турибди. Барча тинчликсевар сиёсий ва ижтимоий кучларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан АҚШ ҳукуматини инсониятнинг хоҳиш-иродаси билан, Вьетнам халқининг ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа халқларнинг қонуний ҳуқуқлари билан ҳисоблашишга мажбур этиш зарур.

Бу жуда муҳим ишда ҳукуматлар, сиёсий партиялар, касаба союзлари, руҳонийлар, хотин-қизлар, ёшлар ва студентлар ташкилотлари, холис ниятли барча кишилар жуда катта роль ўйнашлари мумкин ва лозим.

Биз совет жамоатчилиги номидан, дейилади баёнотда, жуда кенг миқёсда самарали ҳамкорлик қилишга ва Вьетнам проблемасини одилона сиёсий бартараф этишга тезроқ эришиш йўлида оммавий ҳаракатлар қилишга чақирамиз. (ТАСС).

## ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАР

ВАРШАВА. Польша ва СССРдаги олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Гливицадаги политехника институти, Москва, Ленинград, Киев, Минск, Донецк ва Новосибирск институтлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан бир неча йиллардан бери самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Гданьск политехника институти коллективи билан Ленинград кемасозлик институти коллективи ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери дўстона алоқа боғлаган.

Институтлар ўқитиш форма ва методлари тўғрисида тажрибаларни ўртоқлашиш ҳамда бир-бирларига ҳар тарафлама ахборот бериш билан бирга конкрет илмий-техника проблемаларини ҳам ишлаб чиқмоқдалар. Илмий ходимларни, аспирантлар ва стажёрларни бир-бирларига юбориб турадилар. Дўстлашган олий мактабларнинг ўқитувчилари илмий мавзуларда докладлар ва лекциялар ўқийдилар. (ТАСС).

## ШАҲАР ЮБИЛЕЙИ

БЕРЛИН, 5 январь. (ТАСС). Юбиляр 725 ёшда. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида қиёфаси тамомила ўзгарган Нойбранденбург шаҳрининг 50 минг кишилик аҳолиси шу санани нишонлади. Минглаб янги квартиралар, кўплаб жамоат бинолари қурилди, шаҳар аҳолиси икки баравар кўпайди. Шимолий Германияда готик услубда қурилган қимматли ёдгорликларни, шу жумладан бир неча аср муқаддам қурилган шаҳар дарвозасини қайта тиклашга катта маблағлар ажратилди.

## МЕТРОДА ЁНҒИН

НЬЮ-ЙОРК, 5 январь. (ТАСС). Бостон шаҳрининг метросида чиққан ёнғин натижасида электр поездининг иккита вагонидаги 400 га яқин пассажир аланга ичида қолди. Уларга ёрдам бериш учун ўт ўчирувчиларнинг бўлинмалари келди. Барча пассажирлар метродан олиб чиқилди. Лекин уларнинг баъзилари тутиндан оғир заҳарланган ҳолда касалхоналарга келтирилди.



Гвинея (Бисау)нинг африкалик ватанпарварлар отряди португалиялик мустамлакачилар қўшинларига жиддий зарбалар беришда давом этмоқдалар. Суратда: ватанпарвар жангчилар отряди юришда. ТАСС фотохроникаси.

## БИРМА: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЧОРАК АСРИ

1948 йил 4 январь эрта саҳар тўп садолари Рангунни ларзага келтириб, янги суверен Бирма иттифоқи давлати вужудга келганлигини маълум қилди. Бирманинг қадимги диёрида узоқ кутилган озодлик тонги отди...

1824 йил Англия Бирманинг жанубий қисмини босиб олганида Англия генерал-губернатори керилиб,бундай деган эди:

— Қуёш нур сочиб турар экан Жанубий Бирма устида Англия байроғи ҳилпирайверади.

Ўша узоқ замонларда Англия мустамлакачиларига бошқа мазлум халқлар сингари Бирма устидан ҳукмронликлари ҳам абадийдек бўлиб туюлган эди. Мустамлакачилик дунёсини тамомила тугатишни бошлаб берган Октябрь революцияси шу хом хаёлларни пучга чиқарди. Бирманинг кекса жамоат арбоби, таниқли шоир ва файласуф Такин Кодо Хмайн: «Улуғ Октябрь революциясидан кейин бирмаликларнинг миллий мустақиллиги учун кураши янги куч билан авж олди», — деди.

Шу кўп миллатли мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларни ва элатларни бирлаштирган антиимпериалистик фронтга жипслаштирган антифашист халқ озодлиги иттифоқи шу курашни муваффақиятли поёнига етказишда катта хизмат қилди. Гитлерчилар Германияси билан милитаристлар Японияси тор-мор этилиши натижасида жаҳонда юз берган ўзгаришлар муваффақиятни ҳал қилувчи замини бўлди. Бунинг натижасида жаҳон империализмининг кучи бўшашди ва тинчлик, социализм, миллий озодлик кучларининг суянган тоғи бўлиб қолган Совет Иттифоқининг куч-қудрати ва халқаро обрўси ошди.

Миллий озодлик кураши тазйиқи остида Лондон чекинишга ва Бирма халқининг озодлик ва мустақиллик ҳақ-ҳуқуқларини тан олишга мажбур бўлди. Ҳиндистон кетидан Бирма ҳам мустамлака қуллиги кишанларидан озод бўлди.

Аммо бирмаликлар мамлакат иқтисодий мустақилликка эришмас экан, қўлга киритилган озодлик чала ва заиф бўлишини тушунар эдилар. Бунинг учун даставвал мустамлакачилик оғир меросларини, шунингдек мамлакатга жуда катта зарар етказган иккинчи жаҳон уруши ва Япония оккупацияси оқибатларини тугатиш зарур эди. Бирма мустақилликка эришгунга қадар бу ерда қашшоқлик ва ғоятда қолоқлик ҳукм сурарди. Қишлоқларда феодал муносабатлари ҳукм сурар, баъзи чекка районларда эса, ҳатто ибтидоий жамоа тузуми сақланиб қолган эди. Шифохоналар, мактаблар, врачлар, муаллимлар етишмасди, мамлакатнинг ўз техника мутахассислари йўқ эди. Аҳолининг асосий кўпчилиги саводсиз эди. Одамнинг ўртача умри 30 йилдан ошмасди, бирмаликнинг йиллик даромади эса инглизнинг даромадидан 20 баравар кам эди. Мустамлакачилар мамлакатга 100 йил ҳукмронлик қилиб Бирмада бирорта замонавий саноат корхонаси, ёки ўқув юрти қурмадилар. Ҳолбуки, урушга қадар Англия компаниялари бу мамлакатдан жуда кўп гуруч, вольфрам, қалайи концентрати, шунингдек нефть, каучук ва бошқа хом ашё олиб кетар эдилар.

Миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари, даставвал, Бирма халқининг атоқли фарзанди Аун Сан мана шуларни назарда тутиб, социал-иқтисодий ўзгаришлар программасини белгилайди. Бу программа ўша вақтларда чет эл капиталига қарашли асосий ишлаб чиқариш воситалари давлат тасарруфига ўтказилишини, феодал ер хўжалиги бекор қилинишини, озод Бирманинг барча гражданларига миллий, диний ва бошқа тафовутлардан қатъий назар, баравар ҳуқуқ ва имкониятлар берилишини кўзда тутади.

Аун Сан Бирма мустақиллиги эълон этилишидан бироз олдин империалистларнинг малайлари қўлида ҳалок бўлди. Аммо унинг иши барҳаётдир. Ҳокимият тепасига келган кишилар Англияга иқтисодий қарамликни бўшаштириш йўлида, экономикада, давлат секторини яратиш борасида бир қанча муҳим чораларни амалга оширдилар. Аун Сан белгилаб берган антиимпериалистик йўналиш ижобий бетарафлик ва СЕАТО типидаги агрессив блокларга қўшилмаслик позициясига қатъий ўтиб олган мустақил Бирманинг ташқи сиёсий йўлини вужудга келтирди.

Аммо 1957 йилдан бошлаб, У Ну ҳукумати ташқи сиёсий йўлни кескин ўзгартириб юборди. У давлат секторини янада ривожлантиришдан воз кечганлигини эълон қилди, хусусий иш тутишга кенг йўл очиб берди ва чет эл компаниялари фаолиятини чеклаш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлардан чекинди. Бирма экономикасига чирмашган империалистик монополияларнинг мўмай фойдалари яна денгиз нариёғидаги банкалар сандиғига оқаверди. У Ну ҳукуматининг ноизчил сиёсати партиялар ўртасидаги кураш кучайишига ва ички сиёсий вазият кескинлашишига олиб келди. Аграр проблемасининг ҳал этилмаганлиги кўп миллионли деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Чекка-чеккалардаги сепаратчилар четдан гиж-гижлатилди ва улар бош кўтара бошлади.

1962 йилда Аун Сан сафдоши генерал Не Вин бошчилигидаги Революцион Кенгаш ҳокимият тепасига келиши билан воқеаларнинг хавфли ривожланишига чек қўйилди. Шундан кейин Революцион Кенгаш Аун Сан орзу қилган ҳамма ишларни давлат сиёсати даражасига чиқарди. Бу сиёсатнинг мақсади эксплуатациядан ҳоли жамият тузишдан иборатдир.

Не Вин ҳукумати саноатда ва савдо-сотиқда давлат секторини, қишлоқда кооперация секторини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлига амал қилиб чет эл монополияларининг бутун мулкини ҳамда маҳаллий буржуазияга қарашли мулкларнинг каттагина қисмини давлат тасарруфига ўтказди. Ҳозирги вақтда барча катта саноат корхоналари, темир йўл транспорти, ҳаво транспорти ва денгиз транспорти, молия, ташқи савдо ва ички улгуржи савдо, чакана савдонинг бир қисми, алоқа, мактаблар, шифохоналар давлат қўлидадир. Булар 1962 йилга қадар вужудга келган давлат сектори эндиликда Бирма экономикасида устун вазият эгаллаб турганлигини билдиради.

Эндиликда давлат секторидан революцион демократик ўзгаришлар ўтказиш учун таянч ва моддий база сифатида фойдаланилмоқда. Давлат секторига тушаётган маблағлар янги корхоналар қуришга, деҳқонларга ёрдам беришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва социал таъминот эҳтиёжларига сарфланмоқда. Революцион ҳукумат ҳокимият тепасига келганидан бери ўтган ўн йил мобайнида шифохоналардаги ўринлар сони икки баравар кўпайди, медицина ёрдами бепул бўлиб қолди. Шу вақт ичида ўқувчилар икки баравар, студентлар уч баравар кўпайди.

Бирма қишлоқларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Заминдорларга ижара ҳақи тўлашнинг бекор қилиниши, деҳқонлар давлатдан жуда оз процент билан қарз олиб туриши, деҳқонларнинг асосий маҳсулот турларини марказлашган усулда харид қилиш, техника, ўғит бериш — буларнинг ҳаммаси деҳқоннинг аҳволини тузатди, уни заминдорлар, судхўрлар, ҳосил жаллобларининг асоратидан ва ўзбошимчаликларидан қутқарди.

Бултур мамлакат янги конституциясининг лойиҳаси тайёрланди. Келажакда социалистик жамият қуриш мақсадида бундан ўн йил аввал бошланган йўл шу муҳим ҳужжатда қонуний равишда мустаҳкамланади.

Совет кишилари мана шу йўлда Бирма халқига янги-янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

Н. НОВИКОВ. (ТАСС).

## АВТОМОБИЛЬ ҲАЛОКАТЛАРИ

МАДРИД. Испанияда янги йил байрамларининг ўтган уч кунида автомобиль ҳалокати натижасида 43 киши ҳалок бўлган, бир неча ўн киши оғир ярадор бўлган. «ИА» газетасининг маълумотларига кўра, ўтган йили Испания йўлларида 61.660 та автомобиль фалокати қайд қилинган. Ана шу фалокатлар натижасида 4.370 киши ҳалок бўлган ва 96 мингга яқин киши жароҳатланган. (ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

## ЕР ОСТИДА... БАЛИҚЛАР

Дарҳақиқат, дунёда шундай балиқлар ҳам борки, улар сувда ҳаёт кечирмасдан, балки ер остида ҳаёт кечиради. Бундай балиқларнинг бир тури Ҳиндистон ярим оролида учрайди. Бу балиқни Анабас, яъни судралувчан балиқ дейишади. Уни овлаш учун маҳаллий ҳинду халқи қўлларига қармоқ олмасдан, балки бел курак ва бошқа асбоблар билан қуролланадилар. Бунинг сабаби шундаки, бу балиқ ўтлоқларда, тошлоқларда судралиб юраверади. Ҳатто, у дарахтга ҳам чиқиб олиши мумкин. Агар у яшаб турган дарёда сув қуриб қолгудек бўлса бошқа сув ҳавзасига судралиб ўтиши мумкин, ёки бўлмаса, балчиқни ярим метр чамасида қазиб, ичига кириб олади.

Бу балиқнинг феъли-атворини ўрганиб олган «балиқчилар» уни ўтлоқлардан, тошлоқлардан ва дарахтлардан тутиб оладилар, ёки бўлмаса, ер остидан қазиб оладилар.

Дунёнинг жазирама тандири ҳисобланган Саҳрои Кабирда ҳам балиқлар яшаркан, лекин ер бетида эмас, балки 100-150 метр ер остида. Хўш, уларни қандай қилиб топишган?

Саҳрои Кабирда балиқни учратиш тушларига ҳам кирмаган гидрогеологлар бу саҳронинг марказига яқин жойда артезиан қудуқлари қазий бошлайдилар. Артезиан қудуқларидан пармалар тортиб олинганидан кейин катта босим натижасида ер остидан отилиб чиққан сув билан бирга балиқлар отилиб чиққанда гидрогеологлар ҳайратда қолишади. Лекин бунга ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Чунки, айрим қитъаларда чучук сувли ер ости денгизлари мавжуд бўлганлиги бизга маълум. Саҳрои Кабирнинг остида ҳам худди шундай денгиз бўлган. Бу денгизлар ўз навбатида ер бетидаги дарёлар, кўллар билан боғланган булади. Шунинг учун артезиан қудуғидан «отилиб чиққан» балиқларнинг яқин атрофдаги сув ҳавзаларидаги балиқлардан фарқи бўлмайди.

Яна балиқлар оламида бошқача ажойиботларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, жанубий Хитой денгизида яшайдиган Дайюй номли балиқни олиб кўринг. Бу балиқлар урчиш даврида денгиз қўлтиқларига, дарёларнинг қуйи оқимларига кириб келадилар. Буларни овлашда одатдагидай қармоқ ва чувалчанглардан фойдаланилмасдан, балки... уларнинг ўз думларидан фойдаланиш мумкин. Гап шундаки, улар бир-бирларининг думларидан маҳкам тишлаб катта-катта шодаларни ташкил этишади. Энг катта балиқ эса шоданинг бошида бўлади.

А. ҚОБИЛЖОНОВ, инженер-гидролог.

«Главташкентстрой»нинг ЎҚУВ КОМБИНАТИ труба ётқизувчи слесарларни тайёрлайдиган уч ойлик КУРСЛАРГА ЙИГИТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар 80 сўм стипендия, ёлғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 20 январдан бошланади.

Курсни битирганлар «Таштрансспецстрой» трестининг ташкилотларига ишга юбориладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-70, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй, телефонлар: 55-17-89; 55-02-49.

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ АВТОТРАНСПОРТ КОНТОРАСИ 3-класс шофёрларини тайёрловчи курсларга ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ойига 25 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Машғулотлар — 15 январдан бошланади.

Шунингдек автомашиналарни ремонт қилиш бўйича слесарлар КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Оржоникидзе райони, Ялангоч посёлкаси (101-автобусда Олой бозоридан охирги бекатгача борилади).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ✦ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор—330249 дан 330258 гача.

В. — 6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02114.